

Халқ сўзи

Ўзбекистон —
келажаги
буюк
давлат

2023 йил — ИНСОНГА ЭЪТИБОР ВА СИФАТЛИ ТАЪЛИМ ЙИЛИ

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган

WWW.XS.UZ

E-mail: Info@xs.uz

2023 йил 23 май, № 104 (8447)

Сешанба

Сайтимизга ўтиш учун QR-кодни телефонингиз орқали сканер қилинг.



МАКТАБГАЧА ВА МАКТАБ ТАЪЛИМИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ЧОРАЛАРИ МУҲОКАМА ҚИЛИНДИ

Президент Шавкат Мирзиёев 22 май куни мактабгача таълим ва мактаб таълими тизимини ривожлантириш бўйича таклифлар тақдими билан танишди.

Янги таҳрирдаги Конституциянинг биринчи моддасида Ўзбекистон ижтимоий давлат экани белгилаб қўйилди. Бу борадаги энг катта соҳалардан бири таълимдир. Уни изчил ривожлантириш мақсадида, маъмурий ислохотлар доирасида Мактабгача ва мактаб таълими вазирлиги ташкил этилди. Тизимни таркибий мақбуллаштириш, замонавий дастурларни жорий қилиш, ходимларни рағбатлантириш чоралари қўрилди.

Тақдиротда шу борадаги режалар муҳокама қилинди. Қайд этилганидек, бошлангич синфларда хорижий таълим асосида янги ўқув дастури жорий қилинади. Юқори синфларда ўқитиладиган фанлар 16 тадан 11 тага камайтирилиб, дастурларнинг фанлараро ва синфлараро интеграцияси таъминланади. Бунда 11 та мажбурий

ва 2 та танлов фани татбиқ этилади. Янги ўқув йилидан инфорMATIKA фани 1-синфдан ўргатилади.

Ҳозирда мавзуларнинг 70 фоизи кундалик ҳаёт билан боғланмаган. Энди фанларнинг амалий машғулотлар улуши 40 фоиздан 60 фоизгача оширилади. Бунда мавзулар аниқ муаммони ҳал қилиш орқали ўргатилади, амалиёт дарслари эса лойиҳани бажариш шаклида ўтказилади.

Мактабларни малакали кадрлар билан таъминлаш мақсадида педагогларни сертификатлаш тизими йўлга қўйилади. Яъни ишга қираётган педагог 1 йил давомида ўқитувчи-стажёр сифатида фаолият юритиб, шу муддатда сертификат олиши керак бўлади.

Ўқитувчиларга малака тоифасини бериш бўйича синовлар 2 босқичда ташкил этилади. Биринчи босқичда талабгорнинг

мутахассислик фани бўйича билими, иккинчиси педагогик маҳорати баҳоланади. Малака сертификати олган педагогларнинг ойлик маошига 70 фоизгача миқдорда устама тўланиши мумкин.

Шунингдек, боғчаларга малакали тарбиячиларни жалб қилиш учун 2024 йил 1 июндан уларнинг иш ҳақи ставкалари мактаб ўқитувчилариникига тенглаштирилади.

Умумтаълим мактабларига бюджетдан ташқари маблағлардан эркин фойдаланиш ҳуқуқи берилгани уларнинг моддий аҳолини яхшилаш ҳамда ўқитувчиларга қўшимча ҳақ тўлаш имконини бермоқда. Энди бу тартибни боғча ва ихтисослаштирилган мактаблар учун ҳам қўллаш мўлжалланмоқда.

Малакали раҳбарлар муҳитини шакллантириш мақсадида худудларда энг тажрибали ди-

ректорлардан иборат "Директорлар кенгаши" ташкил этилади. Энди мактаб директорлари лавозимга мазкур кенгаш тавсияси билан очиқ танлов асосида тайинланади.

Шунингдек, вазирликнинг туман (шаҳар) бўлимларининг мактаблар фаолиятини текшириш ва таълим сифатини баҳолаш ваколатлари тугатилади. Хусусий мактабларни ташкил қилишда қўйилган талаблар энгиллаштирилади.

Йиғилишда болаларнинг бўш вақтларини мазмунли ташкил этиш, хусусий секторни жалб қилган ҳолда замонавий тўғрақлар очиш масалаларига ҳам тўхталиб ўтилди.

Давлатимиз раҳбари бу таклифларни маъқуллаб, тизим фаолиятини трансформация қилиш, ўқитувчиларнинг малакаси ва рағбатини ошириш бўйича кўрсатмалар берди.

Ў.А.

Дунё нигоҳи



ХИТОЙНИНГ ИННОВАЦИЯ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ МАРКАЗИЙ ОСИЁ РЕСУРСЛАРИ БИЛАН УЙҒУНЛИКДА ЭНЕРГИЯ САМАРАДОРЛИГИНИ ОШИРИШИ МУМКИН

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг 18-19 май кунлари Хитой Халқ Республикасига амалга оширган давлат ташрифи ҳамда Сиань шаҳрида бўлиб ўтган "Хитой — Марказий Осиё" саммити якуни хорижий мамлакатларнинг ижтимоий-сиёсий, эксперт ва таҳлил доиралари вакиллари ўртасида ҳам ўзининг катта ақс садосини берди.

Су ЮАНГ,
«Oman-China Investments» компанияси ижрочи директори (Ўмон):

— Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Хитойга давлат ташрифи ва Хитой Халқ Республикаси Раиси Си Цзиньпин билан учрашуви икки дўст давлат ўртасидаги муносабатлар жадал ривожланиб бораётганидан далолат беради. Шу ўринда таъкидлаш кераки, Ўзбекистон ва Хитой ўртасидаги тарихий муштараклик кўҳна Буюк Ипак йўлига асос солиниганидан буён давом этиб келмоқда.

Сўнгги йилларда икки давлат раҳбарлари конструктив сиёсий мулоқотни мустақамлаш ва томонларнинг манфаатларига дахлдор асосий масалалар бўйича бир-бирларини ўзаро қўллаб-қувватлашга содиқ эҳтишорларини намоян эдилар.



Эришилган келишувларни ҳаётга изчил татбиқ қилиш, турли даражадаги фаол ишбилармонлик алоқалари ҳозирги босқичда мутолқо янги босқичга кўтарилган Ўзбекистон — Хитой муносабатларининг жадал ривожланишида ижобий натижалар бермоқда.

Шу нуқтаи назардан, савдо-иқтисодий соҳада ўзаро манфаатли амалий ҳамкорликни кенгайтириш, биринчи навбатда, замонавий саноат объектилари, сарможий ва юқори технологияли корхоналарни барпо этиш бўйича қўшма лойиҳаларни амалга ошириш муҳимлигини алоҳида таъкидлаш лозим.

Белгиланган вазифаларни самарали амалга ошириш учун кен қўламли соҳаларни қамраб олган барқарор минтақавий интеграция зарур. Шу боис ҳамкорликнинг янги формати — биринчи "Хитой — Марказий Осиё" кўп томонлама учрашуви минтақадagi ҳамкорликни ҳар томонлама мустақамлашга қўшимча туртки беришига шубҳа йўқ.



Фракцияларда

ХАЛҚ МАНФААТЛАРИ ҚОНУНЛАРДА АҚС ЭТМОҚДА

Кеча сиёсий партияларнинг Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги фракцияларининг йиғилишлари бўлиб ўтди. Халқ вакиллари томонидан қўйилган палатанинг навбатдаги мажлиси кун тартибига киритилиши режалаштирилган бир қатор қонун лойиҳалари билан бирга Ҳисоб палатасининг 2022 йилдаги фаолияти тўғрисидаги ҳисоботи муҳокама қилинди.

Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати — Ўзбекистон Либерал-демократик партияси фракцияси йиғилишида "Улғаш воқеаларини қўлқўлашда ўқитувчиларнинг қўшимча ҳисоб-китоблари билан" "Метрология тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида"

ги қонун лойиҳаси кўриб чиқилди. Таъкидланганидек, "Метрология тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига киритилган ўзгартиш ва қўшимчалар ўлғаш воқеаларини қўлқўлашда ўқитувчиларнинг қўшимча ҳисоб-китоблари билан ва ҳўжалик бошқаруви органлари ҳисобланмайдиган юридик шахсларнинг метрология хизматлари



Машғулот Президент сайловини ўтказувчи округ комиссиялари аъзолари ўқитилди

Марказий сайлов комиссияси ташаббуси билан "Муддатидан илгари Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловини ўтказувчи комиссиялар аъзоларининг малакасини оширишни ташкил этиш Концепцияси" асосида округ комиссиялари аъзолари учун сайловга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказишда округ сайлов комиссиялари олдидаги асосий вазифалар мавзусида ўқув-амалий машғулот ташкил этилди.

Марказий сайлов комиссиясининг аъзолари, Президент ҳузуридаги Давлат бошқаруви академияси, Тошкент давлат юридик университети ва Ҳуқуқчи муҳофаза қилиш академиясининг профессор-ўқитувчиларидан иборат экспертлар гуруҳи томонидан олиб борилган ўқув-машғулотда Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловини ўтказувчи 42 нафар округ комиссияларининг аъзолари иштирок этди.

Ўқув машғулотларининг мақсади сайлов ўтказувчи округ комиссиялари аъзоларининг сайловга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказишдаги асосий вазифалари, сайлов жараёнини умумэтироф этилган халқаро сайлов стандартларига риоя этилган ҳолда, Сайлов кодекси талаблари асосида, ушқоқлик билан ташкил этишдаги кўникмаларини оширишдан иборат бўлди.

Семинар-тренингда Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловини ташкил этиш ва ўтказишнинг конституциявий-ҳуқуқий асос-

лари ҳамда Марказий сайлов комиссиясининг қарорлари, Сайлов календарь режасининг ўзига хос хусусиятлари, сайловчилар рўйхатини шакллантириш ва ушбу рўйхатлар билан ишлашда округ сайлов комиссиялари олдида турган вазифалар, муддатидан олдин овоз беришни ташкил этиш, овоз бериш кўнига тайёргарлик, округ сайлов комиссиясининг сайлов жараёни иштирокчилари билан ҳамкорлиги, округ сайлов комиссиялари фаолиятини молиялаштириш тартиби, сайлов округи бўйича овоз бериш якунларини аниқлаш каби мавзулар муҳокама этилди.

Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловини ўтказувчи сайлов округлари ва участкалари учун биноларни танлаш, овоз бериш хоналарини жиҳозлашга қўйилган талаблар юзасидан амалий машғулотлар ўтказилди.

Назарий ва амалий машғулотлардан иборат ўқув-машғулотнинг якунида иштирокчиларга сертификатлар топширилди.

«Халқ сўзи».

Интилиш Ўзбекистон кластерлари «GOTS» сертификатини қўлга киритди

Мамлакатимиздаги учта пахта-тўқимачилик кластерига Халқаро органик тўқимачилик маҳсулотлари стандарти — «GOTS» (Global Organic Textile Standard) сертификати берилди. Булар Бухородаги «BCT Cluster», Тошкент вилоятидаги «TCT Cluster» ва Сурхондарёдаги «SCT Cluster» кластерларидир.

«GOTS» сертификати ушбу кластерларда ишлаб чиқарилаётган тўқимачилик маҳсулотлари экологик тоза ва табиий эҳтишорнинг халқаро даражада тан олинганини аниқлатади.



ОЛИЙ МАЖЛИС ВА «INTER PARES» ГЛОБАЛ ДАСТУРИ ЎРТАСИДА ЯНГИ ЛОЙИҲА ЙЎЛГА ҚЎЙИЛМОҚДА

Сир эмас, бугун мамлакатимизда амалга оширилаётган ислохотлар жараёнида парламент ролин янада ошириш, Олий Мажлиснинг мавжуд салоҳиятини мустақамлаш, шунингдек, қонун ижодкорлиги, парламент назорати каби йўналишларни янада такомиллаштиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Анжуман

Қолаверса, 2022 — 2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегиясида ҳам парламентаризм соҳасига энг илғор халқаро амалиётларни жорий этиш билан боғлиқ долзарб вазифалар белгиланган.

Табиийки, ушбу вазифаларни муваффақиятли ижро этишда халқаро ҳамкорлик ва парламент дипломатияси муҳим аҳамиятга эга. Шу нуқтаи назардан келиб чиқиб, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ва Европа Иттифоқининг «Inter Pares» глобал дастури ўртасида ҳамкор-

лик бўйича янги лойиҳа йўлга қўйилмоқда.

Маълумот ўрнида айтиш жоизки, «Inter Pares» — Европа Иттифоқининг парламентаризмни мустақамлаш бўйича глобал дастури бўлиб, Демократия ва сайловга қўлқўлаш халқаро институти (IDEA) томонидан Европа Иттифоқига ҳамкор мамлакатлар парламентлари эксперт кўмағида амалга оширилади.

Кеча пойтахтимизда шу лойиҳанинг расмий очилишига бағишланган анжуман ўз ишини бошлади. Унда сенаторлар, «Inter Pares» глобал дастури

вакиллари, Европа Иттифоқининг Ўзбекистондаги делегацияси раҳбари, Венгрия, Словения, Франция, Германия, Кипр, Чехия, Литва каби давлатлар миллий парламентлари ҳамда Европа Иттифоқига аъзо бир қанча мамлакатлар дипломатик корпуслари вакиллари қатнашди.

Эътиборлиси, лойиҳада иштирок этаётган 17 давлатнинг қонун чиқарувчи органи орасида Олий Мажлис Марказий Осиё минтақаси ва бутун МДҲ маконидagi мамлакатлардан ягона парламентга айланди.

Тадбирда Сенат Раиси Танзила Норбоева Олий Мажлиснинг халқаро ҳамкорлиги, хусусан, Европа Иттифоқига аъзо мамлакатлар парламентлари билан алоқалар конструктив руҳда ривожланиб бораётгани, муносабатларни амалий лойиҳалар билан бойитиш муҳим аҳамиятга эга эканини кайд этди.



НАФОСАТ ВА ГЎЗАЛЛИК БАЙРАМИ

Наманганда нафосат ва гўзаллик байрами — 62-халқаро гуллар фестивали бўлиб ўтмоқда.

Фестиваль



Фестивалнинг бош манзили — Захриддин Муҳаммад Бобур номи маданият ва истироҳат боғидаги тантанали очилиш маросимида Наманган вилояти ҳокими Шавкат Абдуразоқов, маданият ва туризм вазири Озодбек Назарбеков, Ўзбек Миллий академик драма театри директори Ёдгор Саъдиев, Ўзбекистон халқ шоири Махмуд Тоир ва бошқалар Президентимиз раҳнамо-

лигида амалга оширилаётган кен қўламли ислохотлар жараёнида аграр соҳага, хусусан, боғдорчилик, гулчилик тармоқларига алоҳида эътибор қаратилаётгани юксак самара бераётгани таъкидланди. Йилдан-йилга тароват қасб этаётган гул байрами Наманганнинг ўзига хос брендига айлангани эътироф этилди.



Бизнинг суҳбат

ОЧИҚЛИК, ЗАМОНАВИЙЛИК, ДЕМОКРАТИК ҚАДРИЯТЛАР

журналист кадрлар тайёрлашда асосий мезонга айланди

Мамлакатимиз тараққиётининг янги даврида оммавий ахборот воситаларининг ривожланиши, жамиятда очиқлик, ошқоралик, демократик қадриятларнинг мустақамлаш бораётгани юксак билим ва дунёқарашга эга, рақобатбардош, янги шарт-шароитларда ишлаш оладиган, ватанпарвар журналист кадрларга эҳтиёжни оширгани бор гап. Шу боис Президентимизнинг 2018 йил 24 майдаги қарорига мувофиқ мутлақо янги тайёрийлар, замонавий шарт-шароит ва таълим дастури асосида мутахассислар тайёрлайдиган Ўзбекистон журналистика ва оммавий

коммуникациялар университети очилди. Бу юртимизда миллий журналистика мактабини шакллантириш, оммавий ахборот воситаларини янада ривожлантириш мақсадларига ниҳоятда монанд бўлди.

Ўзбекистон журналистика ва оммавий коммуникациялар университети ректори, профессор Шерзодхон ҚУДРАТХЎЖА билан мамлакатимизда соҳанинг янги авлод кадрларини тайёрлашдаги ўзига хослик, хусусан, олийгоҳда бу борада амалга оширилаётган ишлар, талабалар учун яратилган шарт-шароитлар ҳақида суҳбатлашдик.

— Шерзодхон Тожиддинхон ўғли, мана, университет ташкил этилганга беш йил тўлди. Халқ тилида «беш» рақами «аъло» дегани. Олийгоҳда ўтган йиллар давомида амалга оширилган ишларга ўзингиз қандай баҳо бера-сиз?

— Сўз ўйинини тушунгандекман, бироқ реал олим қараганда ҳам университетнинг беш йиллик ҳаёти чинакам маънода «аъло» давр бўлди, десак, ҳеч муболага эмас. Шу қисқа вақт мобайнида олий таълим даргоҳимиз ҳозирги тез ўзгараётган глобаллашув даврида журналистиканинг ўзига хос хусусият-

лари, тарихий тараққиёти, бугунги ҳолати ва истиқболи билан боғлиқ масалалар чуқур ўрганиладиган, бу борада илмий ишлар ва ижодий тадқиқотлар олиб бориладиган, соҳа учун юқори малакали кадрлар тайёрландиган маконга айланди.



ХИТОЙНИНГ ИННОВАЦИЯ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ МАРКАЗИЙ ОСИЁ РЕСУРСЛАРИ БИЛАН УЙҒУНЛИҚДА ЭНЕРГИЯ САМАРАДОРЛИГИНИ ОШИРИШИ МУМКИН

Энзо ПАДОВАН,
Сен-Жермен Сийсий фанлар олий мактаби тадқиқотчиси (Франция):



— Сиандаги учрашувлар Марказий Осиё мамлакатлари ва Хитой ўртасидаги ҳамкорликни янада мустаҳкамлашга хизмат қилади. Ўзбекистон минтақадаги жадал ривожланган мамлакатлардан бири бўлиб, бугунги кунда дунёнинг барча давлати, жумладан, Хитой Халқ Республикаси билан ҳам ўзаро алоқаларни фаол ривожлантирмоқда.

тон — Хитой муносабатлари ўз ривожланишининг янги босқичига қадам қўйди. Хусусан, мамлакатлар ўртасида товар айирбошлаш даражаси анча юқори, иқтисодий, маданий ва бошқа соҳалардаги алоқалар тобора мустаҳкамланмоқда.

Шунингдек, икки мамлакат БМТ, ШХТ, "БРИКС плюс" форматидagi Глобал ривожланиш бўйича олий даражадаги мулоқот, "Бир камар, бир йўл" ташаббуси ва бошқа халқаро тузилмалар доирасида бир-бирини ўзаро қўллаб-қувватламоқда.

Халқаро кун тартибининг долзарб масалалари, глобал хавфсизлик ва тараққиётни таъминлаш масалалари бўйича давлатлар умумий нуқтаи назар ва ёндашувларга эга.

Таъкидлаш жоизки, Хитойнинг етакчи компаниялари иш-

тироқида Ўзбекистонда саноат, кимё саноати, энергетика, ахборот-коммуникация технологиялари ва бошқа устувор йўналишларда юқори технологияга асосланган лойиҳалар муваффақият билан ҳаётга татбиқ этилмоқда.

"Яшил" иқтисодиёт, рақамлаштириш ҳамда иқтисодиётнинг янги тармоқлари ва инновация жаҳдаси сингари қатор соҳаларда Ўзбекистон — Хитой ҳамкорлиги учун катта имкониятлар мавжуд.

Шу нуқтаи назардан, "Марказий Осиё — Хитой" формати Ўзбекистон ва Хитой Халқ Республикасининг ўзаро манфаатли стратегик шериклик алоқаларининг давоми бўлиб, Ўзбекистоннинг минтақа мамлакатлари билан ўзаро муносабатларини янада мустаҳкамлашга хизмат қилади.

Альберто ТУРКСТРА, "Diplomatic World" нашининг лойиҳалар бўйича менежери (Бельгия):

— "Хитой — Марказий Осиё" саммити Хитой Халқ Республикаси Раиси ва Марказий Осиё давлатлари раҳбарлари ўртасидаги биринчи юзма-юз саммитдир. Бундан аввалги учрашувлар виртуал форматда ўтказилган. Хитой ва Марказий Осиё ўртасидаги яқин ва биродарлик муносабатлари мавжудлигини тасдиқлайдиган далил шундан иборатки, Қозғоғистон ва Ўзбекистон пандемиядан кейин Си Цзиньпин ташриф бурган биринчи давлатлардир.




Шуни таъкидлаш керакки, Хитой узоқ вақтдан бери минтақа билан умумий ўзаро муносабатларга эмас, балки икки томонлама муносабатларга устувор аҳамият бериб келмоқда. 2000 йилларнинг бошларида Япониядан бошлаб бир қатор мамлакатлар ва, аввало, АҚШ, кейинчалик Европа Иттифоқи давлатлари "5+1" форматини ишлаб чиқишни бошлаган. Хитой ва Марказий Осиё бошқа минтақавий ташкилотлар, жумладан, Шанхай ҳамкорлик ташкилотидан

Осиёда ҳамкорлик ва ишонч чоралари бўйича кенгаш каби бошқа минтақавий ташкилотлар доирасида юқори даражада ҳамкорлик қилмоқда.

Хитойни Қирғизистон ва Ўзбекистон билан боғлайдиган темир йўл "Бир камар, бир йўл" ташаббусининг ҳозирги пайтда муҳима қилинаётган асосий лойиҳаларидан бири ҳисобланади. У кўп йиллик муҳокамалардан сўнг ва ниҳоят, 2022 йил сентябрь ойида Қўшма Штатларнинг Самарқанд саммитида қабул қилинди. Ушбу лойиҳани амалга оширилиши Марказий Осиё ва Хитой ўртасида товарларни ўтказиб бериш мuddатини қисқартиради, шунингдек, Евросийёни боғлаш ва хавфсиз ҳамда узлуксиз йўналиш таъминлаш нуқтаи назаридан катта аҳамият касб этади.

Мухаммад Толиб бин Мухаммад Ража МОҲАН, Ислом ҳамкорлик ташкилоти Халқаро бизнес марказининг бош ижрочи директори (Малайзия):

— Ўзбекистон — Хитой муносабатларининг бугунги ҳолати юқори даражадаги ишонч ва бир-бирини ўзаро тушуниш билан ажралиб туради. Олий даражадаги музокара, имзоланган Қўшма баёнот ҳамда 2023 — 2027 йилларга мўлжалланган Ўзбекистон Республикаси билан Хитой Халқ Республикаси ўртасида янги даврдаги ҳар томонлама стратегик шерикликни ривожлантириш дастури бу фикрни яққол тасдиқлайди.



Ташриф арасида бўлиб ўтган бизнес-форум яқунлари бўйича умумий қиймати 25 миллиард доллар ҳажмидаги истиқболли лойиҳаларни амалга ошириш бўйича эришилган келишувлар томонларнинг ўзаро ҳамкорлигининг янада янги уфқларини кашф этишга содиқликни яна бир бор намоиш этмоқда.



кат учун стратегик аҳамиятга эга. Хусусан, Хитой — Қирғизистон — Ўзбекистон темир йўлини куриш бўйича амалий ишларнинг тезда бошланиши, албатта, икки томонлама савдо ва сармоиявий алоқаларни кенгайтиришга хизмат қилади, шунингдек, икки мамлакат ўртасидаги ўзаро ҳамкорлик лойиҳаларини ҳаётга татбиқ этиш учун мустаҳкам замин яратяди.

Ушбу ташриф, шубҳасиз, Ўзбекистон — Хитой ҳамкорлигининг барча қирраси қўламлигини янада кенгайтиришга хизмат қилади.

«Дунё» АА.



МИНТАҚА ТАРАҚҚИЁТИГА ДОИР МУҲИМ ТАШАББУСЛАР ИЛГАРИ СУРИЛДИ

Шу йилнинг 18-19 май кунлари Хитой Халқ Республикасининг Сиань шаҳрида "Хитой — Марказий Осиё" саммити ўтказилди. 2023 йилдаги ушбу биринчи йилрик дипломатик тадбир, 31 йил муқаддам муносабатлар ўрнатилганидан бери олти мамлакат раҳбарлари иштирокидаги илк юзма-юз мулоқот бўлгани билан эътиборга молик.



Унда Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёев ҳам иштирок этиб нутқ сўзлади ва минтақавий ҳамкорликни ривожлантириш бўйича муҳим тақдир ва ташаббусларни илгари сурди. Хусусан, амалий ҳамкорликни йўлга қўйиш, биродарлик ва шериклик муносабатларини мустаҳкамлаш учун бу йил Ўзбекистонда мамлакатларимиз шаҳарлари ва минтақаларининг форуми ва кўргазмасини ўтказиш тақдир тадбирларимиз ўртасидаги алоқаларни янада кенгайтиришга олиб келади.

Иккинчиси — хавфсиз, қисқа ва қулай транспорт коридорларини ривожлантириш ташаббуси. Бу стратегик аҳамиятга молик масала бўлиб, Хитойни минтақани билан боғлаб, Европа, Яқин Шарқ ва Жанубий Осиё бозорларига чиқиш имкониятини беради. Айниқса, Транс-Евроосиё магистрალი Буюк Ипак йўлини тиклаш бўйича устувор лойиҳа ҳисобланади. Хитой — Қирғизистон — Ўзбекистон автомобиль ва темир йўли ушбу магистралнинг муҳим таркибий бўлишидир. Бу борада амалий ишлар босқичга ўтилмоқда. Истиқболда ушбу лойиҳани амалга оширилиши ва Трансафғон коридорининг курилиши "Бир макам, бир йўл" ташаббуси доирасида Хитойни Жанубий Осиё мамлакатлари билан муқобил йўллар орқали боғлаш имконини беради.

Учинчидан, иқлим ўзгариши ва "яшил" энергетика бўйича ҳамкорлик масалаларига алоҳида эътибор қаратиш тақдир этилди. Афсуски, Марказий Осиёдаги энергетика инфра-

тузилмаларини ривожлантириш суръатлари саноатлаштиш ва урбанизация жараёнининг, шунингдек, аҳоли ўсишидан ортда қолмоқда. Бу эса мамлакатларнинг узоқ мuddатли барқарор тараққиёти учун чиндан ҳам жиддий таҳдиддир. Хитойнинг қуёш, шамол ва гидроренергетика, шунингдек, лойиҳаларни қўллаб-қувватлашнинг молиявий воситалари соҳасида технологик жиҳатдан етакчи эканини ҳисобга олиб, муқобил энергетика бўйича яқин илмий-амалий шерикликни кенгайтириш мавжуд муаммони ечишнинг энг мақбул йўлидир.

Президентимиз таъкидлаганидек, Ўзбекистон Хитойнинг Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Низомига мувофиқ хавфсизликнинг бўлимаслиги ва тинч тараққиёт тамойилларига асосланган глобал ташаббусини қўллаб-қувватлайди. Бунда Афғонистонда гуманитар ҳалокатга йўл қўймаслик бўйича келишилган позицияни ишлаб чиқиш ва чоратадбирларни қабул қилиш учун Шанхай ҳамкорлик ташкилоти ҳамда Афғонистонга қўшни мамлакатлар доирасида Мулоқот гуруҳи платформаларидан тўлиқ фойдаланиш долзарбдир. Негаки, Афғонистонда инклюзив сийсий тизимни яратиш, мамлакатларимизнинг терроризмга қарши кенг қуламли ҳамкорлик ўрнатиши билан боғлиқ масалаларда мамлакатларимизнинг позициялари ўхшаш ва бир-бирига яқин. Шу нуқтаи назардан, давлатимиз раҳбарининг жаҳон ҳамжамияти ҳамда Афғонистон ҳукумати томонидан ўзаро мажбуриятларни бажариш алгоритминини ишлаб чиқиш учун Бирлашган Миллатлар Ташкилоти шафелигида юқори даражадаги Халқаро гуруҳни тuzиш ва биргаликдаги ҳаракатларни мухтавасан келишиб олиш учун Хавфсизлик кенгашлари котиблари учрашуви механизминини яратиш тақдир минтақамиз тинчлиги ва барқарорлигига хизмат қилади.

Бизнинг мамлакатларимиз ва халқларимиз миллий маданиятларини ўзаро бойитиб бориш учун катта цивилизациячион салоҳият ва улкан имкониятларга эга. Эзгу аъногага айланаётган гуманитар алмасувлар, турли кўргазмалар, концерт ва гастроллар, қўшма

Ташриф доирасида биргина Ўзбекистон ва Хитой ўртасида жами 41 та икки томонлама ҳужжат имзоланди, умумий қиймати 25 миллиард доллардан зиёд бўлган янги юқори технологик саноат, савдо ва инвестиция лойиҳаларини амалга ошириш юзасидан келишувларга эришилди.

спорт тадбирларини ёшларни кенг жалб этган ҳолда доимий ўтказиб боришни давом эттириш халқларимизнинг яқинлашуви йўлида муҳим қадам бўлади. Шунинг учун 2024 йилда мамлакатларимиз Ёш истеъдодлари форумини йўлга қўйиш тақдир этилди.

Саммит орқали Марказий Осиё давлатлари ва Хитой ўртасидаги стратегик ўзаро ишонч янги даражага чиқди, дўстона алоқалар янги босқичга кўтарилди. Ташриф доирасида биргина Ўзбекистон ва Хитой ўртасида жами 41 та икки томонлама ҳужжат имзоланди, умумий қиймати 25 миллиард доллардан зиёд бўлган янги юқори технологик саноат, савдо ва инвестиция лойиҳаларини амалга ошириш юзасидан келишувларга эришилди. Бу лойиҳаларнинг рўйиб юртимизда мингглаб иш ўринларининг яратилишига, халқимиз фаровонлигига ҳисса қўлади.

Энг муҳими, Хитой ва Марказий Осиё, айни пайтда расмий Тошкент ва Пекин стратегик шерик ва ишончли дўстлардир. Уларнинг ўзаро ишонч, ҳурмат ва бир-бирининг манфаатларини ҳисобга олиш принципларига асосланган кўп йиллик ҳамкорлиги ҳеч

қачон сийсий конъюктураларга боғлиқ бўлмаган. Бугунги халқаро муносабатларда қарама-қаршилиқ кучайган ва оқибатини олдиндан айтиб бўлмайдиган шароитда ҳам улар бир-бирини қўллаб-қувватлаётгани фикримизнинг ёрқин далилидир.

Ўзбекистон ва Хитой ўзаро ўзгаришларни дўст давлат, ишончли стратегик шерик сифатида диққат билан кузатиб боришяпти. Хусусан, Президент Мирзиёев бир неча бор таъкидлаганидек, Ўзбекистон Хитойнинг ҳар томонлама ижтимоий адолатга эришиш, тобора кўпроқ аҳолини қашшоқликдан олиб чиқиш ва ўрта синфни кўпайтириш, шу орқа-

лаётган ислохотларни қўллаб-қувватламоқда ва унга ўзининг юксак баҳосини беришмоқда. Хитой Халқ Республикаси Раиси Си Цзиньпиннинг ўтган йил сентябрь ойида амалга оширилган, халқларимиз ҳаётида тарихий воқеага айланган Ўзбекистонга гоёат муваффақиятли давлат ташрифига ўзаро муносабатимиз қай даража мустаҳкам эканини кўрсатди. Хитой етакчиси ушбу ташриф арасида "Ўзбек — хитой муносабатининг ёрқин келажagini биргаликда яратиш йўлида" сарлавхали махсус мақолада ўзаро кўп қиррали ҳамкорлик юксак қадрлангани чуқур раъий маънога эга. Хитой раҳбарининг ушбу

ли умумбашарий фаровонлик ва тенгликка эришиш борасидаги тажрибасига жиддий қизиқиш билдирди. Ўзбекистон камбағалликни қисқартириш борасида илмий чора-тадбирларни амалга оширишга аҳоли фаровонлигини таъминлашнинг энг муҳим шарти сифатида қарайди. Шу нуқтаи назардан, Хитойнинг мутлақ камбағаллик устидан қозongan тарихий галабасини юксак баҳолайди. Хитой тажрибасини

чиқиши бутун мамлакатда кенг муносабат билдирилиб, қизғин қўллаб-қувватланди. Си Цзиньпин ёзганидек, "Хитой ва Ўзбекистон буюк тамаддунга эга қадимий давлатлар. Буюк Ипак йўли халқларимизнинг 2000 йилдан зиёд вақт давомидаги дўстона алоқаларидан дарак беради. Ўзбекистон — Марказий Осиёнинг қоқ юрагида ҳаёт жойлашган яриқ давлат. Алоҳида таъкидлаш керак, Президент Шавкат Мирзиёев раҳбарлигида ўзбек халқи Янги Ўзбекистонни барпо этиш сари буюк йўлга тушиб олди. Турли соҳалардаги ислохотлар ва тараққиёт суръати жадал тус олди. Мамлакат мутлақо янги қиёфага эга бўлди, мунособат ҳаёт шариоити яратилмоқда, республиканинг халқаро майдондаги мавқеи сезиларли равишда мустаҳкамланди. Саммитий дўст ва ҳар томонлама стратегик ҳамкор сифатида муваффақиятли равишда бизни чин юракдан қувонтирди".

Дарҳақиқат, Си Цзиньпин икки давлат ҳамшира бир-бирга ёрдам беришини таъкидлаганида мутлақо ҳақ. Хитой ва Ўзбекистон икки томонлама асосда ҳам, ШХТ ва бошқа кўп томонлама платформалар доирасида ҳам яқин ҳамкорлик қилиб келмоқда, ташқи аришувга биргаликда қарши туриш, трансмилий уюшган жиноятчиликка ва наркотик моддалар ноқонуний айланганига қарши курашда бирга ҳаракат қилмоқда. Сианда ўтган саммитда ҳам бу ниятлар учрашув яқунларида оид қабул қилинган қўшма баёнотда ўз ифодасини топти.

Биргаликдаги савий-ҳаракатлар туфайли Ўзбекистоннинг Хитой билан товар айирбошлаши 30 йилда 140 қарра кўпайди. Хитойнинг иқтисодиётимизга инвестициялари ҳамми 2017 йилдан бунён беш баробар ортди. Аммо ушбу кўрсаткичлар мавжуд улкан салоҳиятни тўлиқ акс эттирмади. Шундай экан, "глобал фабрика", "глобал бозор" номини олган Хитой билан Марказий Осиёнинг юраги — Ўзбекистон иқтисодиётларининг бир-бирини тўлдириб турувчи устуликларини ҳисобга олган ҳолда ушбу имкониятлардан максимал даражада фойдаланишдан манфаатдорлик Сианда имзоланган келишув ва ахдномалар, битимлар орқали исботланди, десак, айни ҳақиқат.

Бахтиёр РАСУЛОВ,
Анджон давлат педагогика институти ректори,
тарих фанлари доктори, профессор.

ОЛИЙ ТАЪЛИМ СОҲАСИДАГИ АЛОҚАЛАР ИЗЧИЛ КЕНГАЙМОҚДА

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Хитой Халқ Республикасига давлат ташриф арасида, 2023 йил 9 — 13 май кунлари Тошкент давлат шарқшунослик университети (ТДШУ) делегацияси Хитойнинг етакчи олий таълим муассасалари билан ҳамкорлик ўрнатиш ҳамда ривожлантириш истиқболларини муҳокама қилиш мақсадида Пекин, Сиань шаҳарларида бўлиб қайтди.

Сафар давомида Пекин хорижий тиллар ва маданият университети, Пекин чет тиллари университети, Сиань Шимоли-Фарбий университети ва Ляонин педагогика университети раҳбарияти билан музокаралар ўтказилди.

Мулоқотларда Ўзбекистонда таълим соҳасида амалга оширилаётган ислохотлар, жумладан, тизимни янада такомиллаштириш, профессор-ўқитувчилар малакасини ошириш, долзарб йўналишлар бўйича қайта тайёрлаш ва ижтимоий қўллаб-қувватлаш борасида олиб борилаётган кенг қўламли ишлар ҳақида маълумот берилди. Юртимизда кадрлар тайёрлашнинг янги тизими яратилаётгани қайд этилди.

Кейинги йилларда Ўзбекистон ва Хитой ўртасидаги ўзаро алоқалар изчил кенгайиб бормоқда. Мамлакатимиз Хитой учун Марказий Осиё минтақасидаги стратегик аҳамиятга молик ишончли шерик ҳисобланади. Айниқса, Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев ва Хитой Халқ Республикаси Раиси Си Цзиньпин ўртасида ўрнатилган ўзаро ишончга асосланган дўстона алоқалар давлатлараро муносабатларнинг барча соҳасини ривожлантиришнинг асосий омилли бўлиб хизмат қилмоқда.

Бугунги кунда Тошкент давлат шарқшунослик университетидagi Хитойшунослик факультетида филология, тарих, иқтисодиёт, туризм, гид-хамроҳлик, фалсафа, халқаро муносабатлар каби йўналишлари бўйича хитой тилини пухта ўрганган шарқшунос кадрлар тайёрланмоқда.



Пекин хорижий тиллар ва маданият университети ТДШУ мутахассислари билан биргаликда ўзбек адабиёти дурдоналарини хитой тилига таржима қилишга тайёрлигини билдирди ҳамда икки олий таълим муассасаси вакиллари иштирокида "Zoom" платформасида масофавий учрашув ўтказган ҳолда бу борадаги ҳамкорлик ишларини муҳокама қилишга келишилди.

Сиянь Шимоли-Фарбий университети ва Ляонин педагогика университети раҳбарияти ТДШУ билан ўзаро аниқлашув меъмрандунини имзолаш орқали илмий тадқиқот дастурлари доирасида хитой тили, тарих, туризм, иқтисодиёт йўналишларида тахсил олаётган талабалар алмашинувини йўлга қўйиш, биргаликда ўқув-услубий адабиётлар ва лугатлар яратишга тайёрлигини билдирди. Эндиликда мазкур олийгоҳлар билан илмий-назарий семинарлар, малака ошириш курслари ва докторантлар учун илмий стажировкалар таш-

кил этиш, илмий-тадқиқот лойиҳаларини бажариш, илмий-амалий конференциялар ўтказишда ҳамкорлик қилинади.

Учрашувларда Хитой олий таълим муассасалари талабаларининг ТДШУ базасида тахсил олиш имкониятлари, илмий стажировкаларни йўлга қўйиш борасида ҳам фикр алмашилди. Умуман, сафар давомида янги истиқболли йўналишлар бўйича ўзаро 2023/2024 ўқув йилидан бошлаб амалга ошириладиган чора-тадбирлар белгилаб олинди. Жумладан, ҳамкорликда Шарқ тиллари бўйича таржимонлар тайёрлаш, ўзбек ва хитой тилларидаги бадиий адабиёт намуналарини икки тилга таржима қилиш, туризм йўналиши бўйича тахсил олаётган ёшлар ўқув амалиётини Пекин, Сиань шаҳарларида ташкил этиш, ҳаммуаллифликда илмий мақолалар чоп қилиш, филология ва тарих соҳалари бўйича инновацион илмий лойиҳаларни бажариш, турли мавзуларда маданий-маърифий тадбирлар ўтказиш, бакалавр талабалар учун "2+2" шаклида қўшма таълим дастурларини амалга ошириш юзасидан ҳам келишилди.

Ляонин педагогика университети шу йил июнь ойида университетимиз "Хитой филологияси" кафедраси ўқитувчилари учун хитой тили бўйича малака ошириш курсларини ташкил этишга розилик берди. Сиань Шимоли-Фарбий университети жорий йилнинг сентябрь-ноябрь ойлари олийгоҳимизнинг тарих, иқтисодиёт ва туризм мутахассисликлари бўйича дарс берувчи профессор-ўқитувчиларига малака ошириш курслари ҳамда шу соҳада тадқиқот олиб бораётган докторантларга илмий стажировкалар ташкил этишга тайёрлигини билдирди.

Тошкент давлат шарқшунослик университетини Пекин хорижий тиллар ва маданият университети, Сиань Шимоли-Фарбий университети, Ляонин педагогика университети ўртасида амалга ошириладиган чора-тадбирларни ўз ичига олувчи "йўл хариталари"ни ишлаб чиқиш ва уларни 2023 йил ноябрь ойида Тошкентда хитойшуносликка бағишлаб ўтказиладиган халқаро конференция доирасида имзолаш ҳақида келишиб олинди.

Шунингдек, Хитойга ташриф доирасида олийгоҳларда университетимиз профессор-ўқитувчилари томонидан амалга оширилган "Ўзбекистонда хитойшунослик тадқиқотлари" илмий лойиҳаси доирасида нашр этилган 22 та монография тақдими ўтказилди. Шу билан бирга, тақдиротлар давомида ТДШУ ректори Гулчехра Рихиева томонидан тайёрланган чет элликлар учун мўлжалланган "Ўзбек тили" дарслиги университетлар раҳбариятига тўхфа этилди.

"Ўзбекистонда хитойшунослик тадқиқотлари" илмий лойиҳаси доирасида филология, тарих, иқтисодиёт, халқаро муносабатлар мутахассисликлари бўйича хитойшуносликка оид монографиялар нашр

этилган. Илмий лойиҳа Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 16 апрелдаги "Шарқшунослик соҳасида кадрлар тайёрлаш тизимини тубдан такомиллаштириш ва илмий салоҳиятини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қароридан белгиланган Шарқ мамлакатларидаги замонавий тенденциялар, тарихий жараёнлар, Шарқ халқларининг маданий алоқалари ва меросини тадқиқ қилиш, тахлий маълумотлар тайёрлаш ҳамда мазкур соҳада илмий-оммабоп адабиётлар, дарслик ва монографиялар чоп этиш борасидаги вазифалар иқросини таъминлаш мақсадида амалга оширилган.

Бинобарин, мазкур қарор асосида университетимиз хузурда Шарқ маданияти ва меросини тадқиқ этиш илмий-тадқиқот маркази ҳамда Шарқ мамлакатларининг ривожланишини тадқиқ этиш илмий-тахлий маркази ташкил этилди. Шу билан бирга, белгиланган вазифаларни мамлакатлар кесиминда амалга ошириш мақсадида олийгоҳ хузурда Ўзбек — хитой илмий-тадқиқот маркази ҳам фаолият юритмоқда. Бугунги кунда ушбу марказларда Шарқ халқлари маданияти ва тиллари бўйича илмий тадқиқотлар олиб боришмоқда. Давлатлар тарихи, ижтимоий-сийсий, иқтисодий тараққиёти хусусиятлари ўрганилмоқда. Бу борада қўлга киритилган уқуллар, чиқариладиган илмий хулосалар эса Ўзбекистоннинг дунё мамлакатлари билан муносабатларини янада ривожлантиришга хизмат қилиши билан аҳамиятлидир.

Нодир БАДУЛЛАЕВ,
Тошкент давлат шарқшунослик университети проректори, сийсий фанлар доктори.

ОЛИЙ МАЖЛИС ВА «INTER PARES» ГЛОБАЛ ДАСТУРИ ЎРТАСИДА ЯНГИ ЛОЙИХА ЙЎЛГА ҚЎЙИЛМОҚДА

— Ўзбекистон Европа Иттифоқини асосий халқаро ҳамкорлардан деб билади. Биз парламент дипломатияси соҳасидаги саъй-ҳаракатларни изчил амалга ошириш бўйича ҳамкорликни давом эттиришга тайёрмиз. Анжуман якунлари бўйича парламент салоҳиятини янада ривожлантириш ва родини кучайтириш бўйича фойдаланиш тавсияларини ишлаб чиқилади, шунингдек, илгор амалиёт ва тажриба алмашиш имкониятига эга бўламиз, — дея таъкидлади Сенат Раиси.

Ўз навбатида, Европа Иттифоқининг Ўзбекистондаги делегацияси раҳбари Шарлотта Адриан "Inter Pares" лойиҳасининг Марказий Осиё давлатлари орасида айнан ягона ҳамкор сифатида Ўзбекистон парламенти билан амалга оширилаётганига тўхталиб, бу кейинги йилларда мамлакатда жамиятни демократлаштириш, инсон ҳуқуқларини таъминлаш, мажбурий меҳнатга барҳам бериш ва бошқа йўналишлардаги ислохотлар ва уларнинг натижалари билан изоҳланганини таъкидлаб ўтди.

Ш. Адриан Олий Мажлис Сенати тажрибаси Парламентлараро иттифоқнинг гендерга йўналтирилган пар-

ламентлари рейтингда тан олинган етакчи ҳамда жамиятда гендер тенглигини кенг тарғиб қилишга намуна бўлганига ҳам алоҳида эътибор қаратди.

Анжуман сессияларга бўлинган ҳолда ўз ишчи давом эттирди. Уларда Ўзбекистон ва Европа Иттифоқи парламентларининг фаолият кўламини келиб чиқиб, парламент функцияларига амалдаги ёндашувлар ва ҳамкор мамлакатлар парламентлари тажрибаси ўрганилди.

Шунингдек, халқаро ҳамкорлар Сенат фаолиятига тўхталиб, Ўзбекистон парламенти юқори палатасида ма-софавий ишлашда ўзига хос ёндашувлар мавжудлиги, сенаторлар кўп вақтини худудларда, ўзлари сайланган сай-ло округларида ўтказиши, мазкур тажриба дунёнинг аксарият парламентларида уч-расаслигини эътироф этди.

Анжуманинг иккинчи кун-ида иштирокчилар маҳаллий бюджет ижросини назорат қилиш, "электрон парламент" тизимини жорий этиш, ген-дер тенглигини таъминлаш, ёшлар билан ишлаш каби мавзуларда ўзаро фикр ал-машади.

«Халқ сўзи».

ХАЛҚ МАНФААТЛАРИ ҚОНУНЛАРДА АКС ЭТМОҚДА



Ийгиликда, шунингдек, "Суд қарорларининг қонунийлиги, асослиги ва адолатлигини текшириш институти та-комиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг Жиноят-процессуал кодексига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида"ги қонун лойиҳаси иккинчи ўқишда муҳокама қилинди.

Фракция аъзолари қонун лойиҳасини кўриб чиқиб, унинг иккинчи ўқишга тайёрлаш жараёнида депутатлар томонидан берилган таклифлар эътиборга олингани, ушбу ҳужжат ҳар томонлама пишиқ-пухта ҳолатга келтирилганини қайд этиб, уни қўллаб-қувватлашди.

"Миллий тиклишни" демократик партияси фракцияси ийгиликда "Ўзбекистон Республикасининг Божхона кодексига қўшимча киритиш тўғрисида"ги қонун лойиҳаси кўриб чиқилди.

Мазкур қонун лойиҳаси билан Божхона кодексига тегишли вазирлик ва

идоралар томонидан белгиланган тартибда шакллантирилган рўйхат асосида давлат ва нодавлат спорт-таълим ташкилоти томонидан Ўзбекистонда ишлаб чиқарилмайдиган спорт кийимлари ва экипировкалари ҳамда оёқ кийимлари, спорт анжонлари, жиҳозлари ва ускуналари импорт қилинадиган товарларга маълум муддат бож тўловларини камайтириш белгиланяпти.

Депутатлар бў ўзгартиш мамлакатимизда жисмоний тарбия ҳамда спорт соҳасида нодавлат таълим хизматлари кўрсатишни янада ривожлантириш, давлат ва нодавлат таълим ташкилотлари ўртасида соғлом рақобат муҳити яратилишига хизмат қилиши қайд этиб, қонун лойиҳасини қўллаб-қувватлади.

"Адолат" СДП фракцияси ийгиликда давлат "Суд қарорларини қонунийлиги, асослиги ва адолатлигини текшириш институти та-комиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг

Жиноят-процессуал кодексига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида"ги қонун лойиҳаси муҳокама қилинди.

Таклиф этилаётган қонун лойиҳаси ягона суд амалиётини таъминлаш, ҳуқуқни қўллаш амалиётида вужудга келаётган айрим муаммо ва қонунчиликдаги бўшлиқларни бартараф этиш мақсадида ишлаб чиқилган бўлиб, унда бир қатор янгиликлар ўз аксини топмоқда.

Ушбу қонун лойиҳасининг қабул қилиниши судьяларнинг масъулиятини оширишга, ишларнинг сифатли ва ўз вақтида кўрилишига, суд қарорларини қайта кўришда вилеят судларининг ҳамда уларга тенглаштирилган судларнинг имкониятларидан самарали фойдаланишга, ортиқча сарсонгарчиликка йўл қўймасликка хизмат қилади.

Депутатларнинг фикрича, адолатнинг қарор топишида суд ҳокимиятининг ўрни катта. "Адолат" СДП ҳам суд ҳокимияти мустақил, судлар эса адолат кўргони бўлиши тарафдори. Шу боис фракция аъзолари партия мақсад ва вазифаларидан келиб чиққан ҳолда қонун лойиҳаси юзасидан ўз фикр-мулоҳазаларини билдирди. Қизғин муҳокамалардан сўнг, қонун лойиҳаси қўллаб-қувватланди.

Ўзбекистон Халқ демократик партияси фракцияси ийгиликда ҳам "Суд қарорларининг қонунийлиги, асослиги ва адолатлигини текшириш институти та-комиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг

қонун лойиҳаси иккинчи ўқишда кўриб чиқилди.

Қайд этилганидек, мамлакатимизда қонун устуворлигини таъминлаш, фуқароларнинг конституциявий ҳуқуқларини рўйга чиқариш ва жа-миятда адолатни қарор топтириш мақсадида кейинги йилларда суд-ҳуқуқ соҳасини тубдан ислоҳ этишга қаратилган кенг қамровли ташкилий-ҳуқуқий тадбирлар амалга оширилди.

Суд ишларини юритиш жараёнида ҳуқуқни қўллаш амалиётини таҳлил қилиш натижаларига кўра янги институтлар жорий этилди, фуқаролар ҳуқуқларининг ишончли ҳимоя қилиниши таъминлаш мақсадида ярашув, дастлабки эшитув, медиация, шунингдек, суд қарорларининг қонунийлиги, асослиги ва адолатлигини текшириш каби институтлар та-комиллаштирилди.

Фракция аъзолари қонун лойиҳасининг қабул қилиниши жамиятда адолатга, қонун устуворлигига ишонч ҳисси юксалишига хизмат қилишини қайд этиб, уни маълумлашди.

Ўзбекистон Экологик партияси фракцияси ийгиликда давлат "Ичимлик суви таъминоти ва оқова сувларни чиқариб юбориш тўғрисидаги қонунлиги та-комиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиришлар киритиш тўғрисида"ги қонун лойиҳаси қизгин муҳокама қилинди.

Ийгиликда таъкидланганидек, республика аҳолисини тоза ичимлик суви билан таъминлашни тубдан яхшилаш, ичимлик суви таъминоти ва оқова сувларни чиқариб юбориш бўйича хиз-

матлар сифатини ошириш, ичимлик суви ресурсларидан оқилона фойдаланиш, шунингдек, ичимлик сувида фойдаланишни давлат томонидан назорат қилиш борасида тизимли ишлар амалга оширилмоқда.

Лекин ичимлик суви таъминоти ва оқова сувларни чиқариб юбориш бўйича хизматлар қўрсатиш билан боғлиқ норматив-ҳуқуқий ҳужжатларда асосий тушунча ва атамаларнинг турлича қўлланилиши амалиётда айрим ноаниқликларни келтириб чиқармоқда.

Депутатлар ташаббуси билан ишлаб чиқилган мазкур қонун лойиҳаси билан 7 та кодекс ва 8 та қонунда фойдаланиш турли тушунча ва атамаларни "Ичимлик суви таъминоти ва оқова сувларни чиқариб юбориш тўғрисида"ги Қонунда қўлланилган ягона шаклга мослаштириш таклиф этилмоқда. Ушбу қонун лойиҳаси ичимлик суви таъминоти ва оқова сувларни чиқариб юбориш соҳасига оид нормаларни қўллашдаги ноаниқликларни бартараф этиш, соҳани янада ривожлантириш имконини беради.

Мажлисида лойиҳани янада та-комиллаштириш мақсадида бир қатор таклифлар билдирилди ва мазкур қонун лойиҳаси депутатлар томонидан қўллаб-қувватланди.

Фракциялар ийгиликларидан Ўзбекистон Республикаси Хисоб палатасининг 2022 йилдаги фаолияти тўғрисидаги ҳисоботи кўриб чиқилиб маълумланди. Шунингдек, кўп тартибга кiritилган бошқа масалалар ҳам таҳлил этилиб, якунда тегишли қарорлар қабул қилинди.

«Халқ сўзи».

Ўзбекистон кластерлари «GOTS» сертификатини қўлга киритди

Дарҳақиқат, "GOTS" сертификати олмақчи бўлган тўқимачилик корхоналари олдига қўйиладиган асосий талаб шуки, пахта етиштиришдан тортиб, уни чуқур қайта ишлашнинг барча босқичида экологик ва ижтимоий масъулият тўлиқ ба-жарилган шарт. Яъни атроф-муҳитга салбий таъсир кўрсатадиган кимёвий воситалар ишлатилмаслиги, мажбурий ва болалар меҳнатига йўл қўйилмаслиги, тайёр маҳсулот таркибига 70 — 75 фоизи органик тола бўлиши лозим.

— Буларнинг барчаси бизнинг кластерларда тўлиқ ба-жарилмоқда, — дейди Ўзбекистон пахта-тўқимачилик кластерлари уюмчаси раиси, сенатор Муртазо Раҳматов. — Чунки кейинги пайтда жаҳон бозорида органик пахтадан тайёрланган тўқимачилик маҳсулотларига бўлган талаб ортмоқда. Дунёнинг энг йирик халқаро брендлари ҳам босқичма-босқич экологик тоза маҳсулот ишлаб чиқариш тизимига ўтмапти. Ўзбекистон янги бозорга кириш ва уни ўз маҳсулотлари билан тўлдир-иш мақсадида ўтган йилдан эътиборан "Better Cotton" дастури ижросига расман ки-ришди. Яъни кластерлар то-монидан ҳам экология, ҳам жамият, ҳам иқтисодиёт, ҳам келажак учун яхшироқ бўлган "Яхши пахта" етиштириш ти-зимига ўтмапти.

Аслида, юртимизда бу борадаги саъй-ҳаракатлар анча олдин бошланган. Анқорво, 2019 йилда дастлаб "BCT Cluster", "Indorama Agro", "Navbahor Textile" пахта-тўқимачилик кластерла-

рида ушбу йўналишдаги пилот лойиҳага киришилди. "Better Cotton Initiative" халқаро ташкилоти кўмагида ушбу лойиҳа муваффақият-ли амалга оширилди. Унинг натижалари эса "Better Cotton" дастурига оммалашти-риш, янги технологияни мам-лакатимиздаги бошқа клас-терларда ҳам кенгроқ қўллаш имконини бераётди.

Эътиборлиси, юртимизда "Яхши пахта" ташаббуси билан чекланб қолинмасдан, органик пахта етиштириш йўлга қўйилгани муваффақият-лининг бош омилли бўлаётди. Хусусан, "GOTS" сертификати берилган "BCT Cluster" клас-тери томонидан бу йил 230 гек-тар, "TCT Cluster" кластери-да 804 гектар, "SCT Cluster" кластерида 1078 гектар ерда органик пахта етиштирилмоқ-да. Олинган тола қайта иш-лаш, ҳатто матони бўяшда ҳам табиий бўёқлардан фой-даланилиш кўзда тутилгани тахсисга лойик.

"Control Union" халқаро ташкилоти томонидан "GOTS" сертификатининг берилиши, шубҳасиз, бу Ўзбекистонда қишлоқ хўжалигида экологик барқарорлигини таъминлаш, иқлим ўзгаришларининг сал-бий таъсирини юмшатиш, пахта-тўқимачилик тармоғида халқаро стандартларни сама-рали жорий этиш борасида олиб борилаётган кенг қўламли ишларнинг яна бир юксак эътирофи бўлди. Бу, ўз навбатида, юртимиз пахта-тўқимачилик кластерларининг глобал савдо занжирига ула-нишни тезлаштиришга кенг йўл очади.

«Халқ сўзи».

Муносабат

ЎЗАРО ДЎСТЛИК, ҲАМКОРЛИК ВА ШЕРИКЛИКНИ МУСТАҲКАМЛАШДА УЛКАН АҲАМИЯТГА ЭГА БЎЛДИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Хитой Халқ Республикаси Раиси Си Цзиньпиннинг таклифига биноан давлат ташрифидан 18-19 май кунлари ушбу мамлакатда бўлиши, шубҳасиз, бугунги мураккаб ва ҳаттоки таҳликали халқаро вазиятда ҳар иккала давлат учун алоҳида аҳамият касб этди.

Рақамларга эътибор қаратсак, кейинги йилларда Ўзбекистон — Хитой ўртасидаги ҳамкорлик янги по-ғонага кўтарилганини кўраемиз. Хусусан, ўзаро товар айирбошлаш икки қарра ошиб, 9 миллиард долларни ташкил этгани ҳам шундан далолат-дир. Ўзбекистонда ўзлаштирилган Хитой инвестициялари ҳажми эса илк бор 11 миллиард долларга яқинлашди.

Бугунги кунда мамлакатимизда Хитой сармоси иштирокида 1,7 миңдан ортиқ корхоналар фао-лият юритмоқда. Энергетика, нефть-газ, кимё, тоғ-кон, тўқимачилик ва бошқа тармоқларда қатор йирик қўшма лойиҳалар амалга оширилмоқда.

Президентимиз ташриф аввалида Сиань шаҳрида ўтган Ўзбекистон — Хитой ҳамкорлиги кўргазмасига таш-риф буюрди. Яна бир эътиборли жи-ҳат шундаки, кўргазма доирасида те-леқўприк орқали Сиань шаҳри ҳамда Сирдарё, Тошкент, Жиззах ва Самарқанд вилоятлари ўртасидаги янги қўшма лойиҳаларни тантанали ишга тушириш маросими бўлиб ўтди.

Давлатимиз раҳбари раамзий тугма-ни босиб, жами 3,3 миллиард дол-ларлик 15 та лойиҳани — автомо-биль ва электромобиллар, курилиш материаллари, металдан кенг турда-ги маҳсулотлар, табиий бўюмлар ишлаб чиқариш қувватларини ишга туширди ва янги корхоналар кури-лишига шарт берди. Бу лойиҳалар, ал-батта, иқтисодиётимизни янада ри-вожлантириш ва аҳоли бандлигини таъминлашда муҳим аҳамият касб этади.

Президент Шавкат Мирзиёевнинг

ХХР Раиси Си Цзиньпин билан ўтказ-ган музокаралари, Хитой ишбилармон, молия ва инвестиция доиралари етакчи вакиллари билан самарали учрашув-ларининг ҳар бири ҳақида алоҳида тўхталиб ўтсак арзийди, албатта.

Айни пайтда асрлар давомида бутун Евроосиё ривожига, ўзаро ҳамкорлигига муҳим омил бўлган Буюк Ипак йўлининг бошланиш нуқтаси бўлиб хизмат қилган кўча Сиань шаҳрида ўтказилган "Марка-зий Осиё — Хитой" биринчи самми-ти ҳам ўз қўламини аҳамияти билан эътиборни тортганини таъ-кидлаб ўтиш жоиздир.

Мазкур саммитда сўзлаган нутқида Ўзбекистон Президентини минтақавий ҳамкорликни янада кен-гайтиришга қаратилган муҳим ташаб-бусларни илгари сурди.

Хусусан, ўз қишлоғида XXI асрнинг йиғирманчи йилга келиб сайёрамиз-да сийсат жабҳасида юз берган па-роқандлик, бошбошдоқлик ва ўзи-барқандликка ўта аник таъриф бериб: "Пандемия синовларини енгиб ўтган мамлакатларимиз глобал миқёсда ишлон инқирозининг салбий оқибат-ларига дуч келди", деди. Бунинг оқибатида эса, алоҳида таъкидла-ганидек, "Марказий Осиё учун муҳим бўлган одатдаги транспорт-логисти-ка занжирларида жиддий ўзгиришлар, озик-овқат ва энергетика хавфсиз-лиги учун таҳдидлар, инфляция им-порти ўсиб бораётгани ортидан иж-тимоий кескинлик хатарлари ва бошқа муаммолар биздан янада яқин мувофиқлашув ва амалий ҳамкорлик-ни талаб қилмоқда".

Хозирги вазиятда тенг манфаат-ли ҳамкорлик ҳар қачондан муҳим. Шу сабабли саъй-ҳаракатларни яна-да мувофиқлаштириш ва амалий ҳам-корликни мустаҳкамлаш мақсадида савдо, инвестиция, транспорт ва гу-манитар соҳалардаги минтақавий ше-рикликни узоқ муддатли кўп тартиби, истиқболли режа ва вазифалар асо-сида ривожлантириш бўйича бир қатор таклиф ва ташаббуслар ҳам илгари сурди. Масалан, янги иқти-содий мулоқотни шакллантириш ва ўзаро боғлиқликни кучайтириш, 2030 йилга бориб минтақа мамла-катларининг Хитой билан товар айирбошлаш ҳажмини икки баравар ошириш таклифини билдирди.

Бу борада, шубҳасиз, Буюк Ипак йўлини қайта тиклашда Транс-Евро-осиё магистрал лойиҳаси устувор аҳамиятга эга бўлиб, "Хитой — Қир-ғизистон — Ўзбекистон" автомобиль ва темир йўллари унинг муҳим тар-кибий қисми бўлиб хизмат қилади.

Ўз навбатида, "яшил" энергетика масалалари бўйича ҳамкорликка устувор эътибор қаратиш лозимли-ги ҳам таъкидланди. Зеро, бугун Хитой кўёш, шамол ва сув энергетика-сида технологик жиҳатдан дунёда етакчи мамлакат эканлигини барча яхши билади. Бундай ҳамкорлик мамлакатимиз иқтисодиётида стра-тегик масала бўлган "яшил" энер-гетиканинг ривожланишига ижобий таъсир кўрсатади.

Умуман олганда, мазкур ташриф мамлакатларимиз ўртасида дўстлик, ҳамкорлик ва шерикликни янада мустаҳкамлашда муҳим аҳамиятга эга бўлди, дейиш мумкин.

Хар иккала давлат кўча Шарқ цивилизацияларининг кўп асрлик дўстона ва маданий тарихига эга бўлгани эса ўзаро гуманитар ал-машувларни фаол ривожлантириш учун муҳим асос бўлиб хизмат қилмапти.

Ўтган 31 йил ичида Ўзбекистон ва Хитой ўртасидаги ҳар томонла-ма стратегик муносабатлар жадал ва барқарор тус олди. Икки давлат раҳбарларининг ўзаро ташрифлари ва учрашувлари барча даражадаги ҳамкорлик алоқаларини янада мус-таҳкамлаб, янги уфқлар очмоқда.

Зеро, Хитой билан Ўзбекистон манфаатлари ва тақдирини мушта-рак, қувонч ва ташвишни бирга-ликда баҳам кўрадиган тенг ҳуқуқли ҳамда ўзаро манфаатдор шерик-лардир. Икки мамлакат ҳам қадимий тарихга эга бўлиб, уларни ма-данийлар муштараклиги ўзаро бирлаштириб туради ва янада яқинлаштиради.

Президентимиз Шавкат Мирзиёев-нинг Хитой Халқ Республикаси Раиси Си Цзиньпиннинг таклифига биноан 18-19 май кунлари ушбу мамлакатга давлат ташрифига ўзаро ҳамкорликнинг мутлако янги босқичи-ни бошлаб берди, десак, мубо-лаға эмас.

Айниқса, Сиань шаҳрида ўтказил-ган Ўзбекистон — Хитой бизнес-форумининг натижаларини алоҳида айтиш жоиз. Сабаби Хитойнинг 400 дан ортиқ йирик компаниялари вакиллари иштирок этган форум чоғида қатор келишувлар ва шарт-номалар имзоланди.

Шунингдек, форум давомида Хитой ишбилармон доиралари ва-киллари Ўзбекистонда бизнес юритиш учун яратилган ижобий таркибий ўзгаришлар ва қулай ша-

роитлар ҳақида кенгроқ маълумот-ларга эга бўлишди.

Ўзаро манфаатли шерикликнинг истиқболли йўналишлари сифатида автомобилсозлик, муқобил энергия манбаларидан фойдаланиш, "яшил" энергия, қишлоқ хўжалиги ва мева-сабзавотларни қайта ишлаш соҳа-лари баҳам кўрилади олинди. Бу эса ҳар икки томон учун ҳам манфаатлидир.

Ташриф доирасида Президентимиз Сиань шаҳрида "Марказий Осиё — Хитой" саммитида ҳам му-ширроқ этиб, аниқ таклиф ва муҳим ташаббусларни илгари сурди. Ай-ниқса, янги иқтисодий мулоқотни шакллантириш ва ўзаро боғлиқлик-ни кучайтириш, 2030 йилга бориб минтақа мамлакатларининг Хитой билан товар айирбошлаш ҳажмини икки баравар ошириш ҳақидаги та-шаббуси анжуман иштирокчилари-да катта қизиқиш уйғотди.

Давлатимиз раҳбари ўз нутқи-да гуманитар алмашинувлар, кўргазмалар, концерт ва ижодий сафарлар, қўшма спорт тадбирла-рини мунтазам ўтказишни давом эттириш, уларга ёшларни кенг жалб қилиш муҳимлигига тўختалар экан, келгуси йилда Ёш истеъодлар фо-румни биргаликда ўтказишни так-лиф қилди.

Умуман олганда, Президентимиз-нинг Хитой Халқ Республикасига ташриф икки томонлама муноса-батларнинг юқори даражада ривож-ланаётганидан ҳамда стратегик ше-рикликни янада чуқурлаштиришга содиқликдан далолат беради. Эришилган натижалар эса Ўзбе-кистон — Хитой муносабатларида янги саҳифа очади.

Феруза АРИПОВА, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутаты.

Давлат хизматлари кўрсатиши:

АҲОЛИ ЭЪТИРОЗЛАРИГА НИМА САБАБ БЎЛЯПТИ?

Янги Ўзбекистонни барпо этиш даврида ички ишлар органлари тизимини ҳам туб ислохотлар амалга оширилмоқда. Хусусан, аҳолининг мушкулларини осон қилиш мақсадида бугунги кунда ички ишлар органлари томонидан ҳам аҳолига 55 турдаги давлат хизматлари кўрсатиляпти.

Фикр

Лекин ҳозирги давр аҳолига давлат хизматларини қулай ва осон шаклларда кўрсатиш кўламини ошириш ва фуқаролар-нинг идораларда сарсон бўлиб юришининг олдини олишни тақозо этмоқда.

Бониси ИД-карта ва ҳайдовчилик гувоҳнома-сини олиш, автотранспорт воситасини давлат рўйхатидан ўтказиш, автотранспорт воситаси-га давлат рақами беришда айрим ҳолатларда давлат хизматларининг ҳамон электрон давлат амалга оширилмай аънанавий шаклда олиб борилаётгани, навбатлар сонининг кўпли-ги аҳолининг эътирозига сабаб бўлаётгани.

Шу жиҳатдан, Қонунчилик палатасининг мажлисида Ўзбекистон Республикаси ички ишлар вазири П. Бобоқоновга "Ички ишлар органлари томонидан аҳолига давлат хиз-матларини кўрсатишда амалга оширилаёт-

ҳамкорликда эса тегишли ташкилий-техник тадбирлар амалга оширилиб, фуқаронинг розилиги асосида биометрик паспорт (хо-рижга чиқиб биометрик паспорти) ёки ИД-картадаги фотосуратини автоматик равиш-да янги намунадаги миллий ҳайдовчилик гу-воҳномасига бириктириш механизми яратил-ган. Қолаверса, янги намунадаги миллий ҳай-довчилик гувоҳномасига фуқаронинг имзо-сини (гувоҳноманинг 7-банди) қўйиш амали-ёти бекор қилиниб, фуқаролар томонидан мазкур давлат хизматини тўлиқ масофадан турган ҳолда олиш жорий этилган.

Изчиллик билан амалга оширилаётган ис-лохотлар натижасида Тошкент вилоятининг Бўстонлиқ тумани, Ангрэн шаҳри ва Тош-кент шаҳрининг Олмазор, Юнусобод туман-лари Миграция ва фуқароларнинг расмий-лаштириш бўлиналарида "Ақли инфоки-оск" тизими ўрнатилган ҳолда ишга туши-рилди. Бу эса коррупция ҳолатларининг ол-дини олиб, фуқароларга ўз-ўзига хизмат кўрсатилишини таъминлаш имконини берди.

Бугунги кунда ҳайдовчилик гувоҳномаси-ни (беиш, алмаштириш ва йўқолганлари ўрнига янгисини беиш), транспорт восита-

ларини қайд этиш гувоҳномасини ва транс-порт воситасига давлат рақами белгила-рини беиш давлат хизматларига талаб юқори эканлиги ҳеч кимга сир эмас. Хусусан, кўрсатилаётган бошқа давлат хизматлари орасида унинг салмоғи анча баланд.

Агар рақамларга эътибор қаратади-ган бўлсак, ўтган 2022 йил давомида 1 351 531 ҳайдовчилик гувоҳномаси (ДЙҲХХ томонидан 345 022 та), 1 918 480 та транс-порт воситаларини қайд этиш гувоҳномаси ҳамда 1 261 977 та транспорт воситасига давлат рақам белгилари тақдим этилган. Бу эса соҳада олиб борилаётган кенг қам-ровли ишлар ўз самарасини бераётганидан далолатдир.

Мухтасар айтганда, бугун аҳолига яратилган барча шариот вақтини тежаш, тур-ли овозгарчилик ва харажатларнинг олди-ни олишга хизмат қилмоқда. Бу имконият-лардан ҳатто олис қишлоқ одамлари ҳам манфаатдор бўлаётгани ушбу соҳадаги туб ислохотлар натижаси, десак, айни ҳақиқат.

Даврон АРИПОВ, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутаты.

Хушхабар

Жамоамиз халқаро мусобақада умумжамоа ҳисобида биринчи ўринда


Ёшлар ўртасида спортнинг ракетамодел тури бўйича Россияда ўтказилган халқаро мусобақада Ўзбекистон Республикаси мудофасига кўмаклашувчи "Ватанпарвар" ташкилоти жамоаси 4 та олтин, биттадан кумуш ва бронза медалини қўлга киритиб, умумжамоа ҳисобида биринчи ўринни эгаллади.

"Ватанпарвар" ташкилоти Матбуот хизмати хабарига кўра, беш дав-латдан 120 нафардан ортиқ спортчилар иштирок этган ушбу нуфуз-ли мусобақада наманганлик Отабек Фазлиддинов ("S-7" синфида), бухоролик спортчилар Сардор Рўзиев ("S-6-A" синфида), Фаррух Сафоев ("S-9-A" синфида) ва Феруз Баҳодиров ("S-7-A" синфида) биринчи ўрин-ни қўлга киритди. Самарқандлик Фарҳод Бақиев ("S-10-A" синфида) ик-кинчи, бухоролик яна олди. Бундан ташқари, наманганлик мурабий Нажмиддин Зайлиддинов "Энг яхши мурабий" номинацияси бўйича голиб, деб топилди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги жамоаси агентлик масъул ходими Нурали Ориповга онаси

Раню ТУРСУНОВнинг вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

«Халқ сўзи».



Туйғу

Маҳмуд ТОИР,
Ўзбекистон халқ шоири

Гулдан яралгандир азал Наманган

Наманган гулларга кўрк берган шаҳар,
Гулларнинг рангидан нур терган шаҳар,
Мизғиса хобида гул кўрган шаҳар,
Гулдан яралгандир азал Наманган,
Баҳорнинг бағриддек гўзал Наманган.

Губор юқтирмагай дилнинг майлига,
Дунёни чорлагай гуллар сайлига,
Етти иқлимдан ҳам келсин, майлига,
Водий воҳасида гавҳар Наманган,
Гуллар гавҳарига заргар Наманган.

Кафтингга тўкилса, гулларнинг гарди,
Кувончга қоршигай дилнинг дарди,
Булбулга жойнамоз бинафша барги,
Қумри қанотидан қўчган Наманган,
Булбул баётида учган Наманган.

Тинчликнинг чиройи гуллар рангиди,
Шукронамиз шакли диллар рангиди,
Оромнинг овози бахт оҳангиди,
Олам оразида ҳайрат Наманган,
Саодат аҳлига сийрат Наманган.

Келганлар қувончин кўчиб кетгайдир,
Шодлиги шарбатин ичиб кетгайдир,
Ҳавас либосини бичиб кетгайдир,
Меҳмонга гул тутган мезбон Наманган,
Ибрат излаганга имкон Наманган.

Янги Ўзбекистон — гуллар ватани,
Наманган унинг энг хубийи чамани,
Ҳеч завол кўрмасин, гулзор, гулшани,
Лоладек ловулар олов Наманган,
Бошида гул тутган ялов Наманган.

НАФОСАТ ВА ГЎЗАЛЛИК БАЙРАМИ

Байрам кўламининг янада ортишига хизмат қилган, ўзига хос гуллар шоуси билан бошланган фестивал тантаналари доирасида маънавий-маърифий дастурларга ҳам кенг ўрин ажратилгани барчага завқ-шавқ улашмоқда. Бинобарин, бу йил 4,5 миллионга яқин меҳмон, жумладан, 150 минг нафар хорижий сайёҳ келиши кутилаётган фестивалга ҳозирлик ана шу миқдосга яраша бўлди. Наманганни гўзал чаманзорга айлантириш мақсадида 36 миллион тупдан зиёд гул ва бутта кўчатлари ўтказилди. Бобур боғи, "Афсоналар боғи" тематик паркидаги бетактор композицияларнинг ҳар бири ўзига хос мавзуга эга манзараси билан янада мафтункор.

Бу йилги тадбир мамлакатимиз ва дунёнинг танқили хунармандлари, тадбиркорлари, ижодкорлари ҳамда қалби бунёдкорлик ва яратувчанликка ошно, умуман, гўзалликка шайдо инсонларни бир жойга жамлагани билан янада шуқудли кечаётди. Фестивалда халқаро гулчилар уюшмалари ва йирик гулчилик ташкилотлари вакиллари, ўттиздан ортиқ чет мамлакатлардан келган халқ ижодиёти намояндаларининг иштироки, илк бор хорижий ҳамкорлар билан ташкил этилган кўргазмалар мамлакатимизнинг туризм салоҳиятини юксалтиришга улкан ҳисса қўшиши билан аҳамиятлидир.

— Ўзбекистонга келган сайёҳ борки, бетактор ва унутилмас тасвуротлар билан қайтади, — дейди тайванлик кинематограф Ли Бин. — Шу боис ҳам юртингизда ўтказилган анъанавий гуллар байрамнинг довуруғини эшити-ти, уни ўз кўзин билан кўриш мақсадида келдим. Қаранг, бу ердаги гўзалликдан кўз қувонди. Шаҳар гулзорлари, Бобур боғидаги бекиёс манзараларни суратга туширяпмиз, юртимизга кайтган мўъжас фильм ишлаш ниятимиз бор.

Бир ой давом этадиган фестивал нафақат кўнгулчор томоша ва сайишлар, балки, бадий, маънавий-маърифий тадбирлар, турли кўргазмалар билан ҳам бир кунга ўзига хос мазмун бағишлайди. Дастлабки кунларда "Афсоналар водийси"даги амфитеатрда Озодбек Назарбеков, Алишер Файз, Милена Матмусаева, Камрон Мамадалиев, Шаҳноза Якубжанова сингари эл суйган хонандалар иштирокида галаконцерт ташкил этилди. Навбатда юртимизнинг яна кўпбал таниқли артистлари, шунингдек, озарбайжонлик эстрада юлдузлари Талиб Тале ва Зайнаб Ҳасани, турк хонандаси Рафет Эл Роман иштирокидаги катта дастурлар намойиши кутиб турибди. Шунингдек, халқаро IT форуми, модалар ҳафталиги, ошпазлар танлови, миллий хунармандчилик кўргазмаси ва бошқа тадбирлар ҳам барчага бирдек манзур бўлиши, шубҳасиз.

Қудратилла НАЖМИДИНОВ
(«Халқ сўзи»).

ОЧИҚЛИК, ЗАМОНАВИЙЛИК, ДЕМОКРАТИК ҚАДРИЯТЛАР

журналист кадрлар тайёрлашда асосий мезонга айланди

Тўғрисини айтсак, бу жараён осон кечгани йўқ. Аввало, талабалар учун зарур шaroитларни яратишимиз талаб этиларди. Янги университет қурилиши учун шаҳар марказидан, яъни тарихий Қашқар маҳалласидан бино танлаб олинди. Жойлашув, ҳақиқатан ҳам, қулай эди. Қисқа фурсатларда соҳага мутасадди ташкилотлар, ҳамкасблар, ҳомийлар ёрдами билан бугунги давр талабларига мос, ахборот коммуникация технологиялари билан жиҳозланган, мулақо замонавий бино қад ростлади. Бинонинг марказда жойлашгани талабаларнинг журналистиканинг қайноқ муҳитида бўлиши, жумладан, марказий тахрирларда амалиёт ўташи учун кенг имконият яратди.



университет ташкил этилгани билан бошқа турдош олий ўқув юртиларидаги журналистика факультетлари ёпилиб кетмади. Бугун журналист кадрлар тайёрлашда университетлар орасида соғлом рақобат бор. Бу эса ривожланишга асос яратмоқда.

— Университетда бугунги кунда қайси йўналишларда мутахассислар тайёрланмоқда?

— Университет ташкил этилган йилда, яъни 2018/2019 ўқув йилида бакалавриатга 110 нафар кундузги, 50 нафар сиртки ҳамда магистратурага 30 нафар талаба қабул қилинганди. Жорий ўқув йилида университет талабалари сони 3355 нафарга етди. Рақамлар орасидаги тафовут, бир томондан, ёшларда соҳага қизиқилган нақадар юқорилигини, иккинчи томондан, мамлакатимизда медиа вакилларига эҳтиёжнинг муттасил ошиб бораётганини кўрсатади.

Давр талаблари ва эҳтиёжларига мос равишда биз тайёрлаётган мутахассисликлар буйича таълим йўналишлари ҳам кенгайиб бормоқда. Хусусан, олий ўқув юрти очилган дастлабки йилларда бакалавриатда матбуот, телерадио журналистикаси, ахборот хизмати ва жамоатчилик билан алоқалар, спорт, ҳарбий соҳа, журналистика, медиадизайн, медиамаркетинг ва реклама, сиёсатшунослик, интернет ва халқаро журналистика йўналишлари буйича кадрлар тайёрланарди. Магистратураимизда эса ноширлик иши ва муҳаррирлик, босма оммавий ахборот воситалари журналистикаси, сиёсий-ҳуқуқий журналистика, интернет журналистика, спорт журналистикаси, олий журналистика курслари, халқаро журналистика, телевидение ва радиосиёсатчилик, ахборот хизмати ва жамоатчилик билан алоқалар, медиаменеджмент, PR менежмент ва PR таҳлил мутахассислари етиштирилди.

Президент қарорига мувофиқ, 2022/2023 ўқув йилидан университетимизда янги таълим йўналишлари ва мутахассисликлари учун қабул квоталари ажратилди. Жумладан, бакалавриатда санъат, туризм, иқтисодий журналистика, халқаро муносабатлар, сиёсатчилик, социология, магистратурада эса амалий сиёсатшунослик, халқаро муносабатлар ва жаҳон сиёсати, ҳарбий журналистика, медиамаркетинг ва реклама, медиадизайн каби янги йўналишларда кадрлар тайёрлаш йўлга қўйилди.

— Таълимнинг сифат ҳамда самарадорлигида назария ва амалиётнинг уйғунлиги ниҳоятда муҳим. Айниқса, фаолияти ижодга боғлиқ бўлғуси журналист кадрлар билим олиш билан бирга мунтазам равишда иқтидорини сайқаллаб бориши лозим. Университет томонидан бу борада қандай ишлар олиб бориляпти?

— Талабаларнинг назарий билимларини амалиёт билан мустаҳкамлаш доимий диққатимиз марказидаги масала ҳисобланади. Улар биринчи курсдан журналистика соҳасининг ўзига ҳисобланмиш матбуотда амалиёт ўташи йўлга қўйилган.

Узингизга маълум: «Халқ сўзи» ва «Народное слово» газеталари тахририятида университет Медиа назарияси ва амалиёти кафедрасининг бўлими ташкил этилган.

У ерда бўлғуси журналистлар учун қулай шaroитлар хозирланган. Улар исталган пайтда тахририятга бориб, газеталарни нашрга тайёрлаш ишларини кўриб, ижодий жараёнларни ўз кўзлари билан кузатиш мумкин. Бу орқали касбимизнинг сир-асрорларини ўрганиш мумкин. Материаллар ёзишда тахрирбали журналистлардан маслаҳатлар оляпти. Мақолаларни тахрирлаш, муаллифлар билан ишлаш, газетани дизайн қилиш, ҳуллас, матбуот ишидаги қизиқарли ва масъулиятли жараёнларда катта таассурот қолдирмоқда. Шу билан бирга, бўлғуси мутахассисларга хатини қайси соҳа билан боғлаётганини ёрқин тасаввур этиб, ушбу касбнинг машаққатлари, аини пайтда нақадар шарафли эканини айтмоқда.

Хозирги кунда ҳар қандай мамлакат тараққиёти, келажакнинг ахборотлашганлик даражасига, аҳолининг ахборот олиш ва тарқатиш қудратига қай даражада таъминлангани ҳамда бунга шарт-шaroит яратилганига боғлиқ бўлиб қолди. Шу боис бугунги кунда дадил интилаётган мамлакатимизга дунё манзарасини, воқеалар панорамасини чўқур ҳис этадиган, миллий ахборот сиёсатини тере тунтушган, ҳаётга очик кўз билан қарайдиган журналист кадрлар нихоятда зарур.

Ушбу мезондан келиб чиқиб, талабаларни журналистиканинг замонавий тенденциялари билан таништиришга алоҳида эътибор қаратяпмиз. Бу борада кўплаб нуфузли халқаро ташкилотлар билан яқин ҳамкорликни йўлга қўйдик. Мисол учун университетда Германиянинг дунёга машҳур «Deutschwelle Academy» билан радиостудия, Туркия ҳамкорлик ва мувофиқлаштириш агентлиги (ТКА) билан телестудия ташкил этилди. Ўзбекистон Ёшлар ишлари агентлиги ва Хитойнинг «Huawei» компанияси кўмагида замонавий фотолaborатория ҳамда қоворикнинг маркази фаолият бошлади. Шунингдек, университетимиз худудиди 3 та «Open Air» майдончаси, талабалар пресс-клуби мавжуд. Улар ёшларга ўқиб-куриш давомида нафақат назарий билимларини эгаллаш, балки уларни амалиёт билан

иқтидорини, цензура ва ҳар қандай босимларсиз фаолият юритиши учун барча шарт-шaroит яратилмоқда.

Янгиланган Конституцияимизда ҳам ҳар қил исталган ахборотни излаш, олиш ва тарқатиш ҳуқуқига эгаллиги, давлат интернет жаҳон ахборот тармоғидан фойдаланишни таъминлаш учун шарт-шaroитлар яратиши белгилаб қўйилгани ҳам кўп нарсани аңлати.

Бугун мамлакатимизда юзага келган ҳур тафаккур муҳити ва эркинликлардан унумли фойдаланиб, ҳамкасбларимиз хоҳ телекўрсатувларда, хоҳ газета саҳифалари, хоҳ интернет сайтларида, радиотўқинларда халқимизни қийнаётган энг оғриқли муаммоларни дадил кўтариб чиқмоқда, уларга ечим изламоқда.

Шу ўринда соҳани жаҳон талабалари даражасига кўтариш учун ҳали қилинадиган ишлар кўп эканини ҳам таъкидламоқчиман. Демократик кадриятларни, ўзганинг ҳақ-ҳуқуқини тўла ҳурмат қиладиган, давлат ва халқ ўртасида том маънода кўприк бўла оладиган журналистларни яратиш йўлида тинмай ишлашимизни, интилишимиз лозим. Бу эса соҳа учун кадрлар тайёрловчи олий ўқув юртиларига ҳам катта масъулият юқлади.

Ана шу мезондан келиб чиқиб, катта тахрирбалага эга, ҳаётнинг пасту бандини кўрган педагоглар жамоасини шакллантиришга уруғ қаратдик. Университетга илмий даражаси бўлмаса ҳам, лекин Ўзбекистонда хизмат кўрсатган журналист, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган ёшлар мураббийси, умуман, ҳаётий тахрирбалага эга инсонларни таъкиф қилдик. Улар ёшларимизни сўзининг қадрини аңлашга, соҳанинг масъулиятини ҳис этишга, жонаҳон Ватанимизга ва она тилимизни севишга, ўзгаларнинг шахсини ҳурмат қилишга ўргатиш мумкин. Ўз касбини пухта ўргатган, ҳақиқат ва адолатни эътирозлайдиган ёш мутахассисларни тайёрлашга катта ҳисса қўшаётди.

Талабаларнинг медиа маданиятини бойитиш, интернет тармоғидан мақсадли фойдаланишни таъминлаш чоралари қўрилди. Масалан, ёшлар «WikiStrepdiya» marafoni» лойиҳасида фаол қатнашмоқда. Университетда 2022 йил ноябрь-декабрь ойларида ўтказилган марафон доирасида 40 нафардан ортиқ талабалар иштирок этиди ва улар томонидан 3500 га яқин мақолалар интернетдаги «Vikipedia» тармоғига жойланди. Бугунги кунда университет талабаларининг ҳар бири доимий тарзда интернетдаги ўзбек тили контентини бойитиш боришга ўзларининг муносиб ҳиссаларини қўшиб келмоқда.

Бу борадаги ишларнинг барчаси бугунги тараққиёт шиддатига мос, замон андозаларига жаовоб берувчи, ҳар томонлама профессионал журналистларни камолга етказишга хизмат қилади. Улар юртимиз раънақини янги босқунга кўтаришда, халқимизни янада нурафонан манзилларга алттишда — барчамиз орзулаган учинчи Ренессансга эришишда муҳим ўрин туттишига ишонаман.

Дилшод КАРИМОВ
(«Халқ сўзи») сўхбатлашди.

МАНГУБЕРДИ СИЙМОСИ МАНГУЛИККА ДАХЛДОР

Урганч шаҳрида Хоразм вилояти ҳокимлиги, Республика Маънавият ва маърифат маркази, Урганч давлат университети ҳамкорлигида «Жалолiddин Мангуберди ҳаёти ва фаолияти. Ануштегин Хоразмшоҳлар сулоласининг ўзбек давлатчилигидаги ўрни» мавзуда халқаро конференция ўтказилди.

Анжуманда мамлакатимизнинг турли ҳудудларидан, шунингдек, Туркия, Озарбайжон, Россия, Қозғистон, Қирғизистон ва Тожикистондан келган тарихчи олимлар иштирок этди.

Таъкидланганидек, она юртва муҳаббат ва садоқат, ор-номус ва шон-шараф бобида Жалолiddин Мангубердига тенг келадиган улуг шахслар дунёда камдан-кам учрайди. Унинг сиймоси мангуликка дахлдор ва бу каби улуг аждодларнинг жасорати, элу юртва садоқати бугунги авлодлар учун ўзига хос ибратдир. Шу боис шонли тарихимиз ва аждодларимизга муносиб баҳо бериш ҳамда кенг тарғиб этишда мазкур тадбирлар муҳим аҳамиятга эга. Мухбиримиз тадбир қатнашчилари билан сўхбатлашди.



Мангуберди сингари буюк боболар билан ғурурланамиз. Уларнинг тарихи, тақдирини, ибратли ҳаётини ўрганиш, бугунги ҳаётимиз учун тегишли хулоса чиқариш барчамизнинг бурчимиздир. Шу маънода, бундай халқаро анжуманларни доимий ўтказиб бориш мақсадга мувофиқдир.

Жумабой РАҲИМОВ, Ўзбекистон жамоат хавфсизлиги университети профессори: — Бетактор олим ва одил ҳукмдор Мирзо Улугбек: «Олам аҳли Жалолiddиндан олдин ҳам, кейин ҳам бундай баҳодир жангчини кўрмаган. Бу зотнинг азму шижоати олдида ҳатто буюкликнинг ўзи ҳам таъзим қилади», дея таъкидлаган эди. Қарангки, орадан йиллар ўтиб, Президентини

мизнинг ташаббуси билан Урганч шаҳрида саркарданнинг маҳобатли ҳайкали ўрнатилди. Урганчда Жалолiddин Мангуберди номидида ҳарбий академик лицей ташкил этилди. Буюк саркарда ҳаётини ўрганиш мақсадида илмий тадқиқот ишлари кўламин кенгайтирилди. Хоразм вилояти ҳокимлигининг амалий кўмаги билан охириги тўрт йил давомида Мангуберди ҳақида 14 номдаги 20 мингдан ортиқ адабиётлар чоп этилди. Бугунги анжуманга Ануштегин Хоразмшоҳлар ҳақидаги учинчи китобимни нашрдан чиқариб совға сифатида олиб келдим.

Баҳром АБДУЛЛАЕВ, Урганч давлат университети ректори: — Миллий тарихимизни ёт гоё ва мафкуралардан холи ўрганиш давлатимиз раҳбарининг тарихчилар олдига қўйган энг муҳим вазифасидир. Бу борада умумий тарихимизнинг ўрганишда қардош давлатлар билан ҳамкорлик алоқалари ўрнатилишининг аҳамияти каттадир. Шу маънода, Урганч давлат университетининг Туркиянинг Дижле университети билан илмий ҳамкорлиги фаннинг турли соҳаларида илмий янгиликлар қилишга замин яратди, деб ишонамиз. Дижле университети тарихчилари жамоаси томонидан Туркия заминига Жалолiddин Мангуберди даврида бориб қолган хоразмликларнинг бугунги излари, Туркияда Хоразм номини билан боғлиқ 30 дан ортиқ қишлоқ ва маҳаллаларнинг тарихини ҳамкорликда ўрганиш борасидаги тақлифларини мамнуният билан қабул қиламиз. «Халқ сўзи» муҳбири Одилбек ОДАМБОВЕВ эъиб олди.

Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ

2020 йил 25 мартда Ўзбекистон Республикаси Президентини Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Бюртма Г — 541. 17 824 нусxada босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2. Баҳоси келишилган нархда.

Газетанинг ҳақидаги маълумотларни кўриб олиш учун QR-коднинг телефонингиз орқали сканер қилинг.

ТЕЛЕФОНЛАР:
Девонхона 71-233-52-55;
Котибият 71-233-10-28; Эълонлар 71-232-11-15.

Тахририятга келган кўзбўйлаб тақриз қилинмайдиган ва муаллифга қайтарилмайдиган.

Газетанинг отказиб берилиши учун обунани расмийлаштирган ташкилот жаовобгар.

Газета тахририят компьютер марказида терилди ҳамда оператор А. Исмаилов томонидан саҳифаланди.

Газетанинг полиграфик жиҳаддан сифати чоп этилишига «Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси масъул. Босмахона телефони: 71-233-11-07.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили:
Буюк Турун кўчаси, 41. ЎЗА якуни — 21.45 Тошпирилди — 23.30 1 2 3 4 5 6

Халқ сўзи
Народное слово

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Кенгаши, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгаши